

ДИНИЙ МАТНЛАРГА ХОС ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАР, УНИНГ БОШҚА ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБГА ХОС МАТНЛАР БИЛАН ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РЕЛИГИОЗНЫХ ТЕКСТОВ, ИХ СХОДСТВО И ОТЛИЧИЯ С ДРУГИМИ ФУНКЦИОНАЛЬНЫМИ СТИЛЕВЫМИ ТЕКСТАМИ

LINGUISTIC CHARACTERISTICS OF RELIGIOUS TEXTS, ITS SIMILARITIES AND DIFFERENCES WITH OTHER FUNCTIONAL STYLE TEXTS

Амонтурдиева Шоира Равшановна

Термиз давлат университети ўзбек тилишунослиги кафедраси доцент в.б

Филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори

Аннотация: Мазкур мақолада диний матнларнинг лингвистик тадқиқи, ўзбек тилида диний услуб масаласи, унинг ўзбек тили функционал услублари тизимида тутган ўрни, бошқа услублар билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида сўз боради. Ўзбек тилидаги мавжуд нутқ услублари ва диний услуб ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар аниқ мисоллар орқали очиб берилади. Шунингдек, диний матнларнинг лингвистик имкониятлари ўзбек тилининг грамматик қоидалари асосида таҳлилга тортилади. Мақолада диний матнларга хос бўлмаган лексик хусусиятлар ҳам санаб ўтилади.

Аннотация: Данная статья посвящена лингвистическому изучению религиозных текстов, вопросу о религиозном стиле в узбекском языке, его месте в системе функциональных стилей узбекского языка, его сходствах и различиях с другими стилями. На конкретных примерах выявляются сходства и различия между существующими стилями речи и религиозным стилем в узбекском языке. Также анализируются лингвистические возможности религиозных текстов на основе грамматических правил узбекского языка. Также в статье перечислены лексические признаки, не свойственные религиозным текстам.

Abstract: This article deals with the linguistic study of religious texts, the issue of religious style in the Uzbek language, its place in the system of functional styles of the Uzbek language, and its similarities and differences with other styles. The similarities and differences between the existing speech styles and the religious style in the Uzbek language are revealed through concrete examples. Also, the linguistic possibilities of

religious texts are analyzed based on the grammatical rules of the Uzbek language. The article also lists lexical features that are not characteristic of religious texts.

КИРИШ

Диний матнларнинг (кейинги ўринларда ДМ) лингвистик тадқиқи, унинг функционал аспекти ўзбек тилшуносларини қизиқтириб келган. Жумладан, С.Муҳамедов бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Биз тадқиқотимизга асос қилиб олган ЎДМлар бир қатор ўзига хос хусусиятлари – лисоний табиати, мазмуни ва моҳияти билан бу матнлардан фарқланади. Чунони ислом динининг муқаддас деб танилган асосий китоби Қуръоннинг сажъ усулида яратилганлиги ва унда ислом динининг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ахлоқий меъёрлари, чеклаш ҳамда таъқиқлари оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам тил воситалари теманинг талаби билан чегараланади, мўйян тор рамкага солинади. Олдиндан режали равишда тилдаги лексик бирликлар, грамматик конструкцияларнинг фақат мўлжалланган тема учун кераклилари танлаб олинади.

Сўзсиз, функционал стилларга хос оғзаки нутқда оддий сўзлашувга мансуб тил ва нутқ воситалари қўлланиши мумкин. Аммо нутқнинг тема талаби билан бажараётган функциясига биноан тил воситалари бари бир чегараланишига мажбур бўлади. Масалан, икки киши бир-бири билан илмий мавзуда суҳбатлашар экан, аниқки, улар илмий услубга оид тил воситаларини қўллайди».[1]

Дарҳақиқат ҳар бир матн ўзига хос бўлган лексик-фразеологик, грамматик хусусиятларга эга. Улар фикрни ифодалаш услубига кўра ҳам бир-биридан фарқланиб туради. Масалан, фикр ифодалашда қисқалик, аниқлик, эмоционал-экспрессив сўзларнинг бўлмаслиги, махсус терминологиянинг «Қуръондан кейинги муқаддас манба – ҳадисларда Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳаёти, фаолияти ва ибратли кўрсатмалари бадий матнларга хос ривоя усулида берилганлиги, умуман бу туркумдаги матнларнинг моҳият ва мазмуни

инсонларни маънавий етукликка ва ахлоқий покликка чорлаш каби омиллар диний матнларнинг бадий матнларга хос характерга эга эканлигидан далолат беради. Бироқ диний матнларни тўлиқ бадий матнлар туркумига киритиб бўлмайди, чунки дин – бу оламнинг яратилишини тасаввур қилишининг алоҳида услуби, уни идрок этиш усули бўлиб, шу нуқтаи назардан диний матнлар илмий характерга ҳам эга. Шунингдек, дин жамиятимизни тубдан қайта қуришга, уни демократиялаштиришга ва инсонпарвар жамият барпо этилишига ёрдам берадиган ижтимоий омил эканлигига кўра, ЎДМларда ислом дини ва унинг ҳуқуқий қонунлари мажмуи-шариатга оид кўрсатмалар расмий матнларга хос услубда берилган».[2]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бир матнга хос бўлган бирликнинг бошқа бир матнда услуб талаби билан қўлланилишини инкор қилиб бўлмайди. Маълум соҳага оид оғзаки тури мавжудлиги каби хусусиятлар **илмий матн**да яққол ўз аксини топса, қисқалик, лўндалик, қолип шаклига тушиб қолган сўз ва жумлаларнинг мавжудлиги, фикрларнинг курук, расмий, қонуний кучга эгаллиги каби жиҳатлар **расмий матн**да етакчилик қилади. Ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавжудлиги, ифодаланган ҳар бир фикр яқка шахс, яъни сўзловчи ёки муаллифнинг эмас, балки жамият ҳаёти билан боғлиқлиги **публицистик матнлар**нинг тил бирликларини қамраб олиш доирасини белгилайди. Адабий тил, ундаги лексик, грамматик воситалар, ифода-тасвир воситалардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги **бадий матн**нинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

ДМ ва бадий матн. Юқорида келтирган фикрлардан маълум бўладики, диний матнлар бошқа матнлар билан чамбарчас боғлиқ. ДМлар Қуръон ва ислом дини ғояларини тарғиб қилиши, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни, ибратли кўрсатмаларни тасвирлашда **бадий услуб** талаб ва қоидаларига амал қилиши жиҳатидан унда бадий матнга хос бўлган унсурлар намоён бўлади. Бундай ҳолларда диний матнларда тилнинг таъсир этиш вазифаси етакчилик қилиб, бадий услубга хос бўлган лексик бирликлар,

бадий тасвир воситалари диний тушунчалар моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

ДМ ва илмий матн. Инсон ва олам, оламнинг яралиши ва у билан боғлиқ ҳодисаларни инсоннинг идрок этиши моддиюнчиликдан фарқ қилувчи ўзига хос диний-фалсафий руҳда эканлигига, мазкур масалаларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндошилиши ва тушунтирилишга кўра у илмий матнларга ўхшаб кетади.

ДМ ва публицистик матн. Кишиларнинг энг муҳим ҳаётий муаммоларини дин нуқтаи назаридан тушунтириши, жамиятни дин ғоялари асосида маънавий баркамол қилиб тарбиялашни кўзда тутишига кўра диний матнлар публицистик услубга яқинлашади.

ДМ ва расмий матн. Шароитга хос масалалар бўйича фикрларнинг аниқ, тушунарли, қатъий тарзда ифодаланишида **расмий матнларга** хос услубнинг таъсири сезилиб туради.

Диний эътиқод ва бадий тафаккур. Ислом дини ғоялари, диний эътиқод асрлар давомида халқимизнинг онги шуурига сингиб борган ва бу ҳолат бадий-иждодий тафаккур маҳсули бўлган бадий ва публицистик матнларда ҳам сезилиб туради.

Бу таъсир айниқса, поэтик асарлар тилида яққол кўзга ташланиб туради: *Сен осий, сен осий, самовот титрар, Солиқлар ғарқ бўлди ифрот баҳрига. Ё раббим, жаҳолат эшиклари ланг, Ким учди иблиснинг ўша макрига?* (Х.Абдурахмонов. «Томирларим осмонга туташди»). *Худо бўлмоқликка шайланди Инсон, Бироқ куфр ила бойланди Инсон, Фаришталар ичра ҳазрат эди у, Оллоҳ раҳмати-ла сийланди Инсон. Раҳнамолик касбин олдию Иблис, Унинг макридан кўп қийналди Инсон* (А. Худойберди. «Инсон»)

Юқорида келтирилган мисолларда қўлланилган *осий, солиқ, Рабб, жаҳолат, иблис, худо, куфр, фаришта, ҳазрат, Аллоҳ, макр* каби сўзлар диний матнлар тилида энг кўп қўлланилувчи лексик бирликлардир.

ДУ ва бадиий адабиёт. Ўз даврида бадиий адабиёт исломий ғояларни тарғиб этишда муҳим восита бўлган. Шу боисдан аждодларимизнинг диний мазмундаги кўплаб асарлари шеърӣй усулда ёзилган. Шеърӣятда диний тушунчаларни ифодаловчи сўзларни қўллаш анъанаси бугунги ўзбек поэзиясида ҳам мавжуд.

*Мустақиллик даври ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу даврда диний-тасаввуфӣй руҳдаги янги шеърӣят юзага келди. Айрим шеърларда дастлаб Қуръон оятларидан парчалар келтирилиб, сўнг шу оят мазмунига мос келувчи шеърӣй фикрлар баён қилина бошлади. Бунда шеърда қўлланилган диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар муҳим услубӣй восита сифатида иштирок этади: Мисол: Агар одамлар сизга хиёнат қилган бўлсалар, бас, улар илгари Аллоҳга ҳам хиёнат қилган эдилар (Анфол сурасидан). Жонга тегди бундайин яшаш: Атроф тўла ўғри, **риёкор**. Кўпи **фосиқ**, кўпи фоҳиша, Нечун қилдинг буларга дучор?... (Ў.Саид. «Илтижо»). Агар Оллоҳ ҳузурида охират диёри - жаннат бошқа одамларсиз, фақат сизларники бўлса, у ҳолда ростгўй бўлсангиз юз ўлишини орзу қилинг (Фотиҳа сураси). Имонимиз бозорда пуллаб, **Оллоҳни** ҳам чиқариб ёддан. **Мунофиқлар** амрини қўллаб, Парво қилмай **дўзаху** ўтдан (Ў.Саид. «Ҳақ йўли»). Мисолларда қўлланилган **риёкор**, **фосиқ**, **имон**, **Аллоҳ**, **мунофиқ**, **дўзах** каби сўзлар диний тушунчаларни ифодалайди.*

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

ДМлар услуби. Ҳар бир матнни қатъӣй бир тартибда, айтайлик, Аллоҳ номи билан, унга ва пайғамбарга ҳамду сано билан бошлаш диний матнлар услуби учун умумӣй бўлган хусусият ҳисобланади: *Бисмиллоҳир раҳмонир роҳӣйм. Алҳамду лиллаҳи таоло вал ифтиҳоти бисмиҳи авло ва биҳи настаъӣйн сумма насъа вассалоту вассалому ало ҳабибиҳи Муҳаммадин, саййидул анбиёи ва ало олиҳи ва асҳобиҳиллазина хумул тақӣён сомиъи ахбо.*[3] *Чунон ривоят қилибдурларким, Худованди холиқи аём ва розиқи олам халқни аввал ўн ҳисса қилиб яратди («Манбаъ ул-маориф»)* каби.

Диний матнлар тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, уларда баён қилинган фикрларнинг диний нуқтаи назардан тўғри, шариатга мос эканлигини

кўрсатиш мақсадида Куръон оятларидан парчалар келтирилади. Масалан: *Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ)дин «Қул куллун яъмалу ала шокилтиҳи»,[4] деган ояти каримнинг тафсирида айтибдурларки, «алашокилтиҳи», яъни «ала ниятиҳи»дур. Маъноси шулдирки, амалнинг дуруст бўлмоғи ният бирландир. Ният дуруст бўлмаса, амал ҳам фосиддур. Ва пайгамбар алайҳиссалом айтдиларки, «нияту мўъмини хаирун мин амалиҳи било ниятиҳи», яъни мўмин кишининг яхши амалга қилгон нияти беният қилгон амалидин яхшироқдур («Манбаъ ул-маориф»).*

ДМларнинг асосий лексик хусусиятлари. Худди бошқа функционал услубларда бўлгани каби ДМ услуби ҳам ўз лексик хусусиятларига эга. Уларнинг бошқа ўзбекча матнларга хос бўлмаган ўз сўз ва терминологияси, стандарт турғун ва фразеологик ибораларининг мавжудлиги бунинг далилидир.

Аммо уларнинг қўлланишида муайян стилистик ноқисликлар вужудга келиши мумкин. Тасвирийлик йўқолиб, жўн ифодалар пайдо бўлиши мумкин. Расмийлик, динийлик оттенкасига путур етиши мумкин. Айрим сўз ва ибораларнинг қўлланиши ДМларда штамп ҳолига келиб қолган. Демак, ДМларда ўзбек тили умумхалқ тили элементларидан фойдаланиш баробарида уларнинг фақат ўзига хосланган лексик элементлар мавжудлигини таъкидлаш ҳам тўғри бўлади.

Соҳавий терминология ДМлар лексик тизимида асосий ўринда туради. Уларда бир қадар қадимийлик, турғунлик оттенкаси бор.

Диний сўз ва ибораларнинг «паспорт»и қадимий ва улар ДМлар лексик-фразеологик фондида муҳим ўрин тутди. Уларнинг кўпчилиги мустақиллик туфайли ўзининг иккинчи умрини яшай бошлади.

ДМларга хос бўлмаган лексик хусусиятлар.

-Сўзлашув, бадий-публицистик услублар учун меъёрий ҳолат саналадиган сўз ва ибораларнинг кўпмаънолилиги ДМлар учун хос хусусият эмас.

-Тил элементларининг бадиий-эстетик вазифани бажариши БМларга хос, бу талаб уларга ДМларда қўйилмайди.

-Полисемантизм, синоним, пароним, омоним, антоним, неологизм, историзм, архаизм ва жаргон сингари бир қатор семантик-стилистик ҳодисалар ҳақида ДМлар мисолида гапириб бўлмайди.

- Сўзларни кўчма маъноларда қўллаш ДМнинг муҳим хусусиятларидан саналмайди.

-Ўзбек тили ФБлари [5] ДМлар доирасида чегараланган. Улар асосан диний-теологик характерга эга.

-Шу пайтга қадар диний сўз ва иборалар тилимиз луғат фонидан эскирган сўзлар сифатида ўрин олган эди. К.Бозорбоев номзодлик ишида сўзлашув нуқтида қўлланиб келинган *алифни калтак демоқ; тарки бунё қилмоқ; тирга қўл бермоқ; эти сизники, суяги бизники; мадраса тупроғини ялаган; ҳўкизнинг қулогига қўбиз чертмоқ; эшакка ёсин ўқимоқ* сингари айрим ФБлар бугунги кунда қўлланилмаётганини айтган.[6] Аммо мустақиллик уларга қайтадан жон бағишлади.

-Диалектизмларни қўллаш ДМлар учун умуман хос хусусият эмас.

-ДМлар лексикасида бетараф сўзлар муҳим ўрин тутди. Чунки «ҳозирги тилимизда бетарафлик белгиси билан яшаб келаётган сўзлар энг қадимий сўзлар бўлиб, халқимиз ижтимоий фаолиятининг узоқ даврлари маҳсули ҳисобланади» (С.Каримов).

-ДМ сўзлари даврий характерга эга эмас. Улар она тилимиз луғат бойилигидаги бир қадар турғун birlikлар саналади.

-Ўзлашган сўзлар, жумладан, ДМларга хосланган сўзларнинг қўлланиш имконияти тилимизда чекланган. Масалан, «ўлмоқ маъносини англатадиган фразеологик эвфемизмлар орасида фақат *Чин дунёга рихлат этмоқ, Чин дунёга кетмоқ, Оёғини узатмоқ*, ларгина ДМларга хосланган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги диний матнлар она тилимиздаги бошқа функционал услублар доирасидаги матнлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб, такомиллашиб бормокда. Тадқиқотимиз якунида ишонч билан қайд этамизки, бу мазмундаги матнлар тадқиқи диний услубнинг ўзбек тили функционал услубларининг алоҳида кўриниши сифатида мавжуд эканлигини илмий жиҳатдан асослаш ва амалиётда эътироф этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Муҳаммадиев С.* Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида мулоҳазалар / Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, 4-сон, -Б.56.
2. *Улуқов Н.М.* Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номз.дисс. ...автореф. . Тошкент, 1997, -Б.7.
3. *Йўлдошев Б.* Ўзбек фразеологияси ва фразеографиянинг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007;
4. *Йўлдошев Б.* Фразеология тарихидан лавҳалар. - Самарқанд: Сўғдиён, 1998;
5. *Йўлдошев Б.* Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари: Филол.фан. д-ри. ..дис. автореф. – Тошкент, 1993;
6. *Йўлдошев Б.* Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1998.
7. *Маматов А.Э.* Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. .. д-ра.филол.наук. - Ташкент, 1991;
8. *Шу муаллиф.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т., 1991;
9. *Маматов А.* Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан. д-ри. ..дис. автореф. – Тошкент, 1999 ва бошқалар.
10. *Бозорбоев К.* Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.номзод. ..дис.автореф. – Самарқанд. 2000, -Б.7